

# ТРАНСПОРТ АЛОКАСИ ВА МАХАЛЛИЙ ЙУЛЛАРНИ ЖОЙЛАШТИРИШ.



**Режа:**

1. Автомобиль йулларига таъриф.
2. Махаллий йуллар
3. Тумандаги йул алокаси ва юк хажмини хисоблаш

*Автомобил йули деб, об-хавонинг хамма шароитида транспортнинг хавфсиз катнашини таъминлайдиган комплекс мухандислик иншооатига айтилади.*

*Махаллий йулларни жойлаштириш ва ривожлантиришда жамоа, давлат хужаликлари булимлари, кишлоклари, фермалари, алмашлаб экиш далалари, тайёрлаб ва кайта куриш корхоналари, темир йул станциялари в.б. билан транспорт алокасини таъминлаш кузда тутилади. Бу йуллар кишлок хужалик махсулотларини минерал угитлар, экилган, асбоб ускуна, курилиш саноат материалларини уз вактида етказиб беришда транспортдан окилона фойдаланишни таъминлайди. Махаллий йуллар тумандаги ишлаб чикариш, (юк ташиш тури, хажми, йуналиши маданий маиший, маъмурий в.б. алокалар учун хизмат килади. Бу ерда факат ишлаб чикариш алокаси куриляпти.) Ишлаб чикариш алокасини урнатишда ташиладиган юк хажмларини туманнинг ишлаб чикаришини башоратлаш лойихаларидан ва статистик маълумотларидан фойдаланилади.*



Расмда наманган вилояти

*Автомобиль йуллари бутун узунлиги ёки айрим кисмларнинг халк хужалигидаги маъмурий ахамияти ва вазифасига кура белгиланишига караб куйидаги асосан даражаларга булинади:*

***I-а-*** *Халкаро ахамиятдаги(Тезкор автомобиль магистраллари)*

***I-б, II-а,III-а*** *-Халкаро ахамиятдаги (магистрал йуллар)*

***II-б,III-****бДавлат ахамиятидаги.*

***I-а,I-б,II-а,II-б*** *- Халкаро ахамиятдаги (Йирик шахарлар атрофидаги айланиб утиш ва халка магистраллар.*

***II-б,III-б*** *Давлат ва вилоят ахамиятидаги(Магистар йулларнинг бош кисми шахарга кириш йули).*

***I-а,II-а-*** *Давлат ахамиятидаги(Аэропортларга, темир йул вокзалларга ва бошкаларга келиш йуллар)*

***I-а,I-б,II-а-****Халкаро ва давлат ахамииятидаги(Тарихий ёдгорликлар ва дам олиш жойларига келиш шох йуллари)*

***III-б,IV-*а,IV-б,V-*** *Махаллий ахамиятдаги (Махаллий йуллар)*



- *Шунингдек хисобий харакат жадаллигига, келажак даврнинг охирги йилидаги 50 соат ичида етишган (ёки ошган) бир соатлик энг катта жадалликни хисобий енгил автомобиллар жадаллигига келтирилгани кабул килинади.*
- *Хисобий харакат микдори сифатида, иктисодий изланишлар маълумотларига асосланиб, икки йуналишнинг йигиндисини кабул килиш лозим. Бунда хисобий деб йулнинг белгиланган вазифасига караб хисобий мавсум (ёз, куз, бахор) ёки ой, келажак даврнинг охирги йилидаги уртача микдори кабул килинади.*





Toshkent Avtomobil-**Yo'llar**

- *Йулнинг даражасини белгилашда, режа, буйлама ва кундаланг кесим кесимлар элементларини лойихалашда келажак даврни 20 йилга тенг деб кабул килиш лозим. Йул тушамасини лойихалашда, келажак даврни таъмирланишлар уртасидаги муддатларни хисобга олиб кабул килиш лозим.*

*Хисобий келажак даврнинг бошлангич йили деб, йул (ёки унинг алохида кисми) курилишнинг бошланиш йили кабул килинади.*

*Умум фойдаланувдаги автомобиль йуллари халк хужалигидаги ахамиятига кура куйидаги улчамли транспорт воситаларини утказиш учун мулжалланган: узунлиги буйича якка автомобиллар 12м. гача, автопоездлар ва гилдиракли трактор поездлари 24м.гача: кенглиги буйича 2,5 м,гача: баландлиги-4 м.гача.*

*Режалашда-асосий техник ечимларни хал килиш жараёнида йулни жойлардан олиб утиш, режа элементлари, буйлама ва кундаланг кесимлари ва уларнинг бир-бирини тулдириши, туташиш ва кесишиш турлари, йул тушамаси тузилмаси ва йул пойи буйича лойихада кабул килинган асосий хулосалар,-мехнат унумдорлигини ошириш, курилиш материаллари ва ёкилги-энергетик манбаларни тежашга замин яратиши лозим. Бунинг учун ишлаб чикилган вариантларнинг куйидаги техник иктисодий курсаткичларини таккослаш билан асослаб бериш керак: курилиш нархи, йулни саклаш ва таъмирлаш харажатлари, курилишда ва фойдаланишда атроф табиий мухитга таъсири билан боглик булган йукотишлар, транспорт харажатлари автомобиль шинаси ва кисмларининг ейилиши, ёкилги сарфи), юк ташиш таннархи, харакат хавфсизлиги ва кулайлиги, йулга якин минтакадаги хизмат курсатилаётган хужалик ва ишлаб чикариш шароитининг узгариши ва бошка омиллар.*



*Янги йулларни лойихалашда мавжуд йуллар ёки уларнинг айрим кисмларидан фойдаланилганда, фойдаланилмайдиган йул булаклари ишгол килиб турган ерларни кишлок хужалигида фойдаланишга ярокли килиш учун кетадиган сарф-харажатларни инобатга олиш керак.*

*Йул курилиши мураккаб мухандис-геологик шароитида булиб, йул пойининг мустахкамланиш муддати йул курилиш муддатидан ортик булса йул тушамасини куриш боскичма-боскич амалга оширилишига рухсат берилади.*

*I-III даражали автомобиль йуллари, асосан ахоли яшайдиган жойларни айланиб утган холда, уларга кириш йуллари куриш билан утказилади. Бунда айланма йулнинг жойи кошидан ахоли яшаш жойи кошидан ахоли яшаш жойи курилиш чизигигача булган масофа бош режа асосида, лекин камида 200м. масофада кабул килинади. Баъзи холларда техник-иктисодий хисоблар асосида I-III даражали йулларни ахоли яшаш жойларидан олиб утиш максадга мувофик булса, уларни 2.07.01 КМ ва К талаблари асосида лойихаланади.*

- *Магистралларнинг шахарларга келиш кисмлари узунлигини (магистралларнинг бош кисмини) шахар ахолисининг сонига караб аникланади:*
- *-шахар ахолиси сони, млн.одам:*
- *0,5-1,0 1,0-2,0 2,0-4,0 4,0-8,0*
- *- магистралларнинг бош кисми, узунлиги,км:*
- *5-10 10-15 15-20 20-30*
- *Куп тасмали йуллардаги харакат тасмасининг сони, атроф мухитни химоя килиш тадбирлари, йулларнинг кесишиш ва кушилишлари,йул тушамаси тузилмалари, жихозлаш элементлари, мухандислик жихозлари (шу жумладан велисопед йулакчаси, тусиклар, ёритиш ва алока воситалари), йул ва автотранспортга хизмат килувчи иншоот ва иморатлар таркиби-бир вактда буладиган харажатларни камайтириш максадида харакат микдорининг усишига караб, уларнинг курилиши боскичма-боскич олиб борилади.*

- *Автомобиль йулларини лойихалашда атроф мухитни мухофаза килувчи геологик, гидрогеологик, экологик ва бошка табиий шароитларига энг кам микдорда зарар келтирувчи тадбирлар кузда тутилади. Ушбу тадбирларни ишлаб чикиш вактида кимматбахо кишлок хужалик ерлари, мозорлар, мачитлар, черковлар ва бошка диний иморатлар, иншоотлар, шунингдек даволаш прафилактик муассасалари ва санатроийлар жойлашган, хамда дам олиш минтакалари бор жойларга эхтиёткорлик билан каралади. Атроф мухитга транспорт воситалари таъсирини (шовкин, титраш, ис гази ва кузни камаштирувчи фаралар таъсирини) хисобга олинади.*
- *Автомобиль йул уки йуналишини танлаш, кенг куламдаги бир-бирига узвий боглик булган техник, иктисодий, эстетик, экологик ва бошка омилларни хисобга олган холда вариантларни солиштиришга асосланади.*

- *Автомобиль йуллари, йул ва автотранспорт хизмати иншоотлари ва иморатлари, сувни четга чикарувчи, химоя ва бошка иншоотларни, йул буйлаб кетадиган алока тармокларини жойлаштириш учун минтака ажратиш,-Узбекистон Республикасининг автомобиль йуллари ва йул иншоотлари курилишига меъёрланган ер ажратиш буйича амалдаги конунларига асосан амалга оширилади. Автомобиль йули-курилиши даврда очик кон ва захиралар, курувчиларнинг вактинчалик шахарчаси, ишлаб чикариш корхоналари,* келиш *йуллари ва курилиш учун бошка зарураларни жойлаштиришган ажратилган ер мйдони-Узбекистон Республикасининг "Йул курилиши, йул курилиш материалларини ишлаб чикариш ва бошка ишлар вактида казилган ерларни кайтариш" буйича амалдаги меъёрий хужжатга асосан уз холатига келтирилгандан сунг ердан фойдаланувчиларга кайтарилади.*

- *Тумандаги корхоналар уз хизмати жихатидан юк хосил килувчи ва юк кабул килувчиларда булинади. Юк хосил килувчиларга жамоа, давлат дехкон-фермер хужаликлари, чорвачилик фермалари, махсулотларни кайта ишлаш корхоналари в.б. булса юк кабул килувчиларга элеваторлар, темир йул станциялари, пахта пунктлари, ёг - мой экстрация заводлари, кишлок хужалик махсулотларини кайта ишлаш корхоналари в.б. хисобланади Туман харитасига хамма юк хосил килувчи ва юк кабул килувчи корхоналарнинг маркази шартли белгилар билан туширилади ва номлари ёзилади. Юк хосил килувчи ва юк кабул килувчи корхоналар номи тагига тартиб билан ( биринчи каторга заводга, иккинчи каторга темир йулга ва учунчи каторга пахта пункти ёки элеваторга) ташиладиган юк хажми озилади. Сунгра келажакда шу корхоналар билан богланадиган транспорт алокаси - йул тармоги лойихаси ишлаб чикилади ва чизмада курсатилади. Бу корхоналарни боглайдиган йул киска ва кулай булиши керак. Заводга, темир йулга ва элеваторга ташиладиган юклар хажми ва йуналишини курсатувчи алохида-алохида чизмалар чизилади ва йуналишлари бошка-бошка стрелкалар билан курсатилади.*

# ЙУЛДАГИ ЮК ХАЖМИ ЭПЮРАСИ.

*Хар бир йулдан ташиладиган (йуналишидан катъий назар) юкларнинг йигиндиси шу йулга ёзиб куйилади ва хамма йул участкаларидаги юк хажмини чизма ёрдамида курсатилади. Лойихада курсатилган йуллардан ташиладиган юк хажмини маълум бир масштабда чизмада ифода этилишига юк эпюраси дейилади.*

- *Юк эпюраси хамма йул участкаларига чизилади. Юк эпюраси масштабни талабалар узи кабул килади. Юк эпюраси кайси йулдан куп юк ташилишини ва биринчи галда куриладиган йулларни аниклашга ёрдам беради.*

# Эътиборингиз учун рахмат

